


ДАДАХОН НУРИЙ

ПОКИСТОН
«ОЛТИН ДЕВОР»
ТИРҚИШИДАН



ДАДАХОН НУРИЙ

ПОКИСТОН
«ОЛТИН ДЕВОР»
ТИРҚИШИДАН

Тошкент-Исломобод — 1998

Махсус муҳаррир: Абдуллоҳ Туроний
Компютерда териб, саҳифаловчи: Дилбархоним Турсунова.

Наманган вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги Бошқармаси бошлигининг ўринбосари, Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси депутати муҳтарам Ҳақимжон Ҳошим ўғли ҳамда Фарғона вилоят, Қўқон ўрмон хўжалиги директори, Фарғона водийси ўрмончилик раҳбарлари бошқаруви раиси Мансурхўжа Хўжа ўғлига ушбу китобни чош этилишида кўрсатган рағбатлари учун чин юракдан миннатдорчилик билдирамыз.

Таниқли ёзувчи ва публицист Дадахон Нурий бир неча бор кўшни Покистон Ислон республикасида ижодий сафарда бўлиб, кўплаб таниш-билишлар орттирган.

Шу билан адиб ҳалқимизнинг ардоқли шоири Эркин Воҳиднинг олтмиш йиллиги муносибати билан унинг қаламига мансуб машҳур «Олтин девор» комедиясини мамлакатдаги энг йирик театр комплекси Ал-Ҳамрода саҳналаштириш ташаббускорларидан ҳамдир.

Комедияни қўйилиш асносида кечган қизиқ-қизиқ воқеалар Покистон мамлакатига бир назар ташлаб, у ердаги дўстларимиз ҳақида ҳикоя қилишга туртки бўлди.

Ўйлаймызки, урду ва ўзбек тилларида чош этилаётган ушбу китоб кўнчилиқда қизиқлиш уйғотади.

МУНДАРИЖА

Сўз боши. Абдул Қадир Хон	5
Асарни ўқиб. ҚАМЛР Р.	7
Китоб ҳақида қисқа сўз. Матёқуб Қўшчонов ...	8
Китоб муаллифи ҳақида. Озод Шарафиддинов	9
Муқаддима.....	13
Деворнинг икки томони.....	15
Полковник Неъматжон соҳибнинг шапқаси ва Фарғона қовуни	20
Хар ерда дўстинг бўлса.....	26
Кишвар хоним.....	38
«Буюк фуқаро» ҳузурида.....	47
Учрашувлар.....	54
Пиндилиқ Мансурхўжа ака	60
Покистонли ўзбеклар.....	68
Ўзгарган режалар.....	87
Лахўр кўчалари бўйлаб.....	97
Панжобдаги дала-боғ.....	108
Катта қарвон сарбонлари.....	121
Мирза Ғолиб	123
Файз Аҳмад Файз	129

Абдул Саттор.....	132
Изҳор ул Ҳақ.....	139
Муҳаммад Аббос Хон.....	143
Ўзбекистон дўстлари.....	147
Адабий муҳит.....	153
Мушоҳада.....	160
Сўнгни синов кунлари.....	168
Доктор Юнус Баттнинг эшаклари.....	176
Шоирга эҳтиром.....	180
«Олтин девор» тўйи.....	195
Севинч ёшлари.....	199
Хулоса.....	202

СЎЗ БОШИ

Таниқли ўзбек ёзувчиси Дадахон Нурий жаноблари кўнглимга яқин дўстларимдан биридир. У кишининг қаламига мансуб кўлингиздаги янги асари ҳақида гапирадиган бўлсам, унинг номи ва мундарижасининг ўзиёқ сезгир китобхон англаб оладиган кўп нарсаларни айтиб турибди.

Адиб мамлакатимиз бўйлаб қилган бир неча бор сафарлари, орттирган дўст-биродарлари, кўрган-кечирганлари ҳақида шундай равон ва қизиқарли усулда ҳикоя бошлайдики, худди «Дарича» орқали ёки «Олтин девор» «Тирқиши»дан туриб, ажойиб воқеаларни кузатаётгандай ҳис этасиз, ўзингизни. Асарнинг ҳар боби жозибали ташбеҳларга, одамни ўйлантирувчи мушоҳадаларга бойлиги билан алоҳида мукамал ҳикояни эслатади. Лекин, улар мазмунан ажраб қолмаган, воқеалар тизими бир-бирини тўлдириб келаверади, ўқувчида қизиқиш уйғотади. Шунинг учун ҳам китобни кўлдан қўймай, бир ўтиришда ўқиб чиқиш мумкин.

Асарнинг бир неча жойида Дадахон соҳиб ўз жонажон юрти — Ўзбекистоннинг фидойиси, миллатпарвар ижодкори сифатида ўқувчи кўз ўнгида гавдаланади. Чет эллардаги, жумладан Покистондаги ҳам-миллатлари ҳақида ажойиб ташбеҳ, ўзбекона лутф билан ҳикоя қиладики, оддийгина воқеадан ҳам ўзбек миллатининг ўзига хос ажойиб хислатларини англаб олиш қийин эмас.

Китобда Покистонда сахналаштирилаётган ўзбек комедиясининг мазмунига монанд ҳангомано воқеалар билан жиддий мулоҳазалар ҳам анчагина. Қоғоз-

бозлик балосидан мустақил Ўзбекистон ҳамон азият чекаётганидан адиб куйиниб, шундай жумлаларни ёзади: «Ўтмиш иллоти — қоғозбозлик балосидан вужудимизни тезроқ фориқ этмас эканмиз, ҳаливери косамиз оқармай, оёқларимиздаги чириган занжирни шалдиратиб, «заҳарли Анчар» дарахти атрофида терлаб-пишиб айланаверадиғанга ўхшаймиз. Дарвоқе, бу шалдиरोқ овозни яқин атрофимизда ҳам, ўзимизда ҳам хумори тутиб юрганлар топилади».

Китоб покстонли, ўзбекистонли ўқувчиларда бирдай қизиқиш уйғотадиған кутилмаған саргузаштли воқеаларга бой. Унинг «Табани қўйлари», «Пиндик Мансурхўжа», «Лахўр сайри» сингари бобларини ўқиб туриб, бизнинг гавжум, тўс-тўполонли кўчаларда, сўлим Фарғона йўллариди сайр қилиб юрғандай ҳис этасиз... Айниқса, адибнинг мамлакатимиз аҳлига бўлған эҳтироми асарнинг ҳар саҳифасида яққол кўзга ташланиб туради.

Мухтасар қилиб шуни айтишим мумкинки, ушбу китоб урду адабиётида кейинги йилларда яратилған яхши асарлар қаторидан ўз ўрнини олишига ишончим комил. Дадахон Нурий соҳибни ажойиб янги китоби билан муборакбод этаман. Ҳамда бу китоб Пок-Ўзбек халқлари ўртасидаги азалий дўстлик алоқаларини ривожига катта ҳисса қўшади деб умид қиламан.

Доктор Абдул Қадир Хон



Исломобод.

18- Май, 1998 й.

АСАРНИ ЎҚИБ...

Мухтарам Дадахон Нурийни ҳеч иккиланмасдан Ҳинд-Пок халқларининг энг содиқ дўстларидан деб аташ мумкин. Бундай дейишимнинг боиси шуки, у кишини узоқ йиллардан бери мен яхши биламан.


Гўзал Ўзбекистонга қадам ранжида қилган ҳиндистонли ёки покистонли қайси ижодкор бўлмасин Дадахон соҳиб билан учрашиб, унинг суҳбатини олмасдан қайтмайди десам муболаға бўлмас.

Ўзбекларнинг дунёга донғи кетган меҳмондўстлик фазилатини кўраман десангиз шу дўстимизнинг Тошкентдаги уйига ё бўлмаса Бўстонлик деган тоғли гўзал гўшадаги «Дача»сига боринг. Бир умр эсан чикмас таассуротлар билан қайтасиз.

Дадахон Нурийнинг «Покистон «Олтин девор» тирқишидан» китобини ҳузур қилиб ўқиб чикдим. Дадил айтишим мумкинки, бу асар ўзбек адабиётида ноёб публицистик қисса сифатида тан олинади. Китобдаги ҳар сатрдан адибнинг ўз дўстларига бўлган муҳаббат ҳисси уфуриб турибди. Бу Дадахон Нурий қаламида сеҳрли жоду борлигининг ёрқин далилидир.

Ишончим комилки, Покистон сафарномасидан сўнг муаллиф Ҳиндистонга ҳам ўз нигоҳини ташлаб, бизни хурсанд этажак.

Профессор Қамар Раис



Ҳиндистон,
20 июн, 1998 й.


Китоб ҳақида қисқа сўз

Бундан ўн йилча аввал, Покистон ҳақида Ўзбекистонлилар жуда кам биладиган пайтлар (Совет сиёсати шундай эди!) Дадахон Нурийнинг даъватига кўра Тошкентга меҳмон бўлиб келган Покистон Ислом республикасининг Москвадаги элчиси Абдул Саттор жаноблари билан биз зиёлиларнинг учрашуви бўлганди.

Ўшанда элчи жаноблари энг аввало адабий, маданий алоқаларни йўлга қўймасдан туриб, бизлар бир-биримизни яқиндан билолмаймиз деб ҳақ гапни айтганди. Ўйлайманки, Абдул Саттор жанобларининг нияти ҳозир амалга ошмоқда. Бу хайрли ишларда ёзувчимиз Дадахон Нурийнинг хизматлари катта деб биламан.

Қўйидаги унинг «Покистон «Олтин дивор» тирқишидан» асари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Академик Матёқуб Қўшчонов



Тошкент.

20- апрел, 1998 й.

Китоб муаллифи ҳақида мухтасар сўз

Дадахон Нурийнинг биринчи «Оқшом кўшиқлари» лирик қиссаси босилиб чиққанда у эндигина ўн тўққиз ёшли талаба эди. Китоб кўпчилик диққатини тортиб, айниқса ёшлар орасида шов-шув бўлганини яхши эслайман. Худо бераман деган бандасига кўш кўллаб бераркан — ўшандан бери Дадахоннинг ёзган ҳар бир асари ўз ўқувчиларини тониб, кўпчиликни ром этиб келмоқда. Шу билан адиб ҳиндий — урду тилларининг яхши билимдонидир. У расом сифатида ҳам Ўзбекистоннинг Чингиз Ахмардай буюк мўйқалам устаси назарига тушганлардан.

Дадахон Нурий ўзининг шу фазилатлари билан кўшларнинг диққатини жалб қилди, тилларга тушди. Унинг шахсиятига қизиқиб қолган кишилар ичида ўзбек адабиётининг ўша пайтдаги атоқли номаёндларидан бири Абдулла Қаҳҳор ҳам бор эди. Ҳамиша ёш ижодкорлар тақдирига чуқур қизиқиш билан қараган бу улуғ адиб Дадахонни ҳузурига чақиради, унинг серқирра ижоди билан танишади, ҳикоя ва қиссаларини ўқиб, уларни таҳрир қилади, ёш адибга сўз санъати сирларини ўргатади. Албатта, Дадахон учун атоқли адибнинг ўғитлари катта сабоқ бўлди. Биринкетин унинг «Бегона», «Боғларда баҳор», «Машина Кашмирга боради», «Осмон устун», «Шаҳар тегирмони» каби қатор китоблари майдонга келди. Бу асарларда Дадахон нафақат бадиий тасвирнинг устаси сифатида, балки инсонлар қалбининг чуқур билимдони сифатида ҳам ўз истеъдодини номоён этди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/2515> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/2515> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/2515>